



ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Респуб-

Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан иштирок этди.

(ТУРКПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармасы, ушбу кўп томонлама тузилма Котибияти раҳбарлари қатнашди.



ликаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Туркменистон

Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий давлатлар парламент ассамблеяси

Йиғилиш кўн тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги

ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро боғлиқликни кучайтириш, туризм, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Худудлар ўртасида фан ва таълим, технологиялар ва инновациялар борасидаги ҳамкорлиқнинг самарали механизmlарини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида тинчлик ва дўстлик рамзи, фан ва маърифат маркази бўлмиш Самарқанд шаҳрини “Туркий цивилизация пойтахти”, деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватлангани учун саммит иштирокчиларига миннатдорлик билдирди.

— Қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган. Биз Туркий дунё буюқ тарихининг ёрқин саҳифалари улуг аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақи равишда фахрланамиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Геосиёсий зиддиятлар, глобал иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари ортиб бораётган шароитда энг долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимиз умумий ёндашувларни белгилаб олиши, саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириши ниҳоятда муҳимдир.

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ
ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларимни Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган азим Самарқанд шаҳрида кўриб турганимдан ғоят мамнунман.

Янги ном олган Туркий давлатлар ташкилотининг Саммитида иштирок этаётганингиз учун барчангизга алоҳида ташаккуримни изҳор этаман.

Ўзбекистон заминиға хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари!

Авваламбор, жаҳон халқлари учун дўстлик ва тинчлик тимсоли, илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлган Самарқанд шаҳрини “Туркий цивилизация пойтахти” деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаганингиз учун Сизларға самимий миннатдорчилик билдираман.

Маълумки, қадим туркий замин минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, дунё маданиятларини бойитиб келган.

Биз Туркий дунё буюқ тарихининг ёрқин саҳифалари улуг аждодларимиз томонидан биргаликда яратилгани билан ҳақи равишда фахрланамиз.

Ана шундай бебаҳо меросни сақлаб қолиш, уни чуқур ўрганиб, келгуси авлодларимизга безавол етказиш барчамиз учун энг асосий вазифадир.

Бугунги саммитимизнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, кўп минг йиллик тарихимиз давомида туркий оиламиз мана шундай тўлиқ шаклда, янгиланган ташкилотимиз доирасида йиғилиб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида барчамиз биргаликда мутлақо янги юксалиш босқичига қадам қўймоқдамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Йиғилиш кўн тартибига кўп қиррали муносабатларимизнинг энг долзарб масалалари киритилган. Бугун кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, устувор йўналишларини атрофлича муҳокама этиб, муҳим қарорларни қабул қиламиз, деб ишонаман.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашнинг истардимки, кўн тартибига киритилган масалалар, концептуал ҳужжат ва дастурлар, энг муҳим ташаббусларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадлари руҳига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

► Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!
Ҳурматли касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ушбу халқчил ташкилотнинг миллионлаб аъзоларини мамлакатимизда кенг нишонланаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий тилакларимни билдираман.

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият қуриш йўлида олиб бораётган изчил ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижаларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб

ҳиссаси борлигини барчамиз эътироф этамиз.

Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш давлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги вақтда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 34 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатиб, соҳа бўйича 6 минг 700 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар фидокорона хизмат қилмоқда.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли шифокорлар!
Муҳтарам соҳа фахрийлари!

Аввало, халқимиз саломатлигини асрашдек масъулиятли ва шарафли йўлда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган сиз, азизларни Тиббиёт ходимлари куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг: “Тиббиёт ва донишмандлик ўзаро ҳамоҳанг ва чамбарчас боғлиқдир”, деган сўзларида катта маъно бор.

Дарҳақиқат, дунёдаги энг бебаҳо бойлик, тенгсиз неъмат ҳисобланган инсон соғлиғини сақлаш, бемор кўнглида умид ва ишонч уйғотиб, уни соғлом ҳаётга қайтариш учун

шифокор нафақат чуқур билим ва тажриба соҳиби, аини пайтда юксак ақл-заковат ҳамда олижаноб қалб эгаси бўлиши даркор.

Ўз ҳаётини ана шундай улуг ва савобли ишга бағишлаб, одамларнинг дардига дармон бўлишни муқаддас бурч деб билган тиббиёт ходимларининг шаънига ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди, албатта.

Азиз шифокор ва ҳамширалар!
Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро учун юқори сифатли ва малакали тиббий хизмат тизимини яратиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу йўналишда кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

► Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н ИТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, замонавий даволаш усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффақиятли амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, юқори салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлаш йўлидаги

катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шуҳрати”
ордени билан

Абдуамволнова Насиба Абдуқодировна — Тошкент вилояти 2-руҳий касалликлар шифохонасининг аёллар бўлими мудир

► Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Ана шу режамизга эришиш учун Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ҳамда дунё етакчи бизнес вакиллари кенг жалб қилган ҳолда, ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумни ўтказишни таклиф этаман.

Форум доирасида “давлат ва бизнес” форматда қўшма тадбирлар, тадбиркорлар учрашувлари ва давра суҳбатлари, инновацион лойиҳалар тақдиротлари ва кўргазмаларни ўтказиш катта амалий натижа беради. Ушбу тадбирлар якунлари бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга қаратилган йиллик “йўл хариталари”ни қабул қилишимиз мумкин бўлади.

Бу ишларимиз, энг аввало, ўзаро савдони кескин ошириш ва учинчи мамлакатлар бозорларига биргаликда чиқиш, қўшилган қиймат узлуксиз занжирларини яратиш, юқори технологик кластерлар ва венчур ширкатларни ташкил этишга қаратилди.

Шу ўринда, биз қўшма инвестиция фондини ишга тушириш таклифини ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Кун тартибидеги яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала бу — транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш.

Жумладан, биз транскаспий халқаро коридори ҳақида кўп гапиряпмиз, аммо сезиларли натижаларга эришиш учун анча ишлар қилишимиз керак. Мисол учун, Ўзбекистон ушбу транспорт йўлига орқали 10 фоиз ташқи савдо юкларини ташимокда.

Биз транспорт ва транзит салоҳиятимизни тўла ишга солиш учун нималар қилишимиз керак, қандай қўшимча чоралар қўриш керак, уларни қайси муддатда ва қимлар амалга оширади, деган саволларга жавоб топишимиз лозим.

Бу борада бугун қабул қилинаётган Дастур асосида транспорт вазирларимиз томонидан йил охирига қадар қўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали механизмларини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Асосий эътиборни минтақамиздаги транзит коридорларининг рақобатбардошлигини ошириш, бизнес учун энг мақбул тарифларни жорий этиш ва замонавий транспорт инфраструктурасини яратишга қаратмоғимиз керак.

Шу ўринда, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида яқинда жорий этилган автотранспорт электрон рухсатномалари алмашиш тизимига Ташкилотимиз давлатларини ҳам қўшилишга чакиримиз.

Бу йил Тошкентда ўтказилган Биринчи Туркий агрофорум озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида низоҳатда катта салоҳиятимиз борлигини яққол кўрсатди.

Ташкилотимизнинг нафақат ўз мамлакатларимизни, балки ташқи бозорларни ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти бор. Шу билан бирга, бу йўналишда амалий қадамларимизни янада кучайтиришимиз ва аниқ лойиҳалар асосида ҳамкорлигимизни чуқурлаштиришимиз лозим.

Хусусан, қўйидагиларни таклиф этаман.

Биринчидан, глобал ва ички бозорларимиз эҳтиёжлари, давлатларимизнинг ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш самарали тизимини яратиш бўйича Ташкилотимиз доирасида кўп томонлама битим қабул қилиш вақти келди.

Иккинчидан, соҳага инновациялар, замонавий билим ва илғор технологияларни жадал олиб кириш мақсадида Туркий давлатлар ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида кенг қамровли шериклигини ўрнатиш мумкин.

Учинчидан, ижобий тажриба асосида Туркий агрофорумни мунтазам ўтказиб бориш ва унинг иккинчи анжуманида “Смарт” қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмасини ташкил этиш.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Ўзбекистон таклифи билан 2022 йил Туркий давлатлар ташкилоти доирасида “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили”, деб эълон қилинган эди. Унинг доирасида Бухоро шаҳри — Туркий дунё ёшлар пойтахти мақомига эга бўлди.

Ёш авлодни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган хайрли ишларимизни изчил давом эттириш ниятидаимиз.

Келгуси йили юртимизда туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгресси ўтказишни таклиф этаман. Унинг доирасида инновация ва таълим вазирлари, олийгоҳлар ректорлари ва ёш етакчилар, иқтидорли ўғил-қизларимиз, Ташкилотимиз оқсоқоллари

рининг кенг қамровли учрашувларини ташкил этишни кўзда тутмоқдамиз.

Бу ишларимизга тизимли тус бериш ва натижадорлиқни таъминлаш мақсадида Ташкилот Бош котибининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш айна муддао бўлар эди.

Яна бир устувор йўналиш — минтақамизда хавфсизлиқни ишончли таъминлашдир.

Сўнгги пайтларда жаҳоннинг турли нуқталаридаги зиддиятчи воқеалар туркий дунёнинг умумий хавфсизлигига ҳам таъсир ўтказаяпти.

Бундай мураккаб вазиятда терроризм, экстремизм, ёшларнинг радикаллашуви, одам савдоси, наркотрафikka қарши курашиш, жамоат ва киберхавфсизлиқни таъминлаш соҳаларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус хизматларимиз доимий алоқада бўлиши ҳамда ҳамкорлиқни кучайтириши лозим.

Шу билан бирга, Ташкилотимиз давлатлари Хавфсизлик кенгаши котибларининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ташкил этишга тайёрлигимизни билдирамиз.

Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшимиз Афғонистондаги мураккаб вазият барчамизни албатта жиддий ташвишга солади. Бу мамлакатдаги мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш масаласи ҳеч қачон назаримиздан четда қолмаслиги керак.

Афғон масаласи бўйича умумий ёндашувни ишлаб чиқиш мақсадида ташқи ишлар вазирларимиз мулоқотларини мунтазам ўтказиб бориш тарафдоримиз.

Қадрли дўстлар!

Мен бугун Ўзбекистоннинг туркий маданият халқаро ташкилотига тўлақонли аъзо бўлганини эълон қилишдан мамнунман.

Ўзининг 30 йиллигини нишонлаётган ташкилот доирасида келгуси йили туркий халқлар маданияти фестивалини ўтказиш таклифини тўлиқ маъқуллаяйми.

Биз яқинда Ташкилотимизга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат 100 жилдиди “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламини ўзбек тилида нашр қилдик. Ушбу бебаҳо маънавий хазинани барча аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этсак, қардош элларимизни, авваламбор, ёш авлодларимизни ўзаро

яқинлаштириш учун мустақкам замин яратган бўлар эдик.

Йиғилишимиз доирасида туркий дунё бирлигини мустақкамлашга бекиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот биринчи марта тантанали равишда топширилиши барчамизни чекисиз қувонтиради.

Маъзур мукофотни ҳар йили бериб бориш тўғрисидаги таклифимизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, унинг нуфузини янада ошириш, ҳамкорлигимиз салоҳиятини тўлиқ ишлатиш, қабул қилинаётган қарорларимиз ва келишувларимиз ижросини таъминлаш энг долзарб вазифамиздир.

Ташкилотимиз доирасида жуда кўп тузилмалар ва турли механизмлар ташкил этилган бўлиб, қўллаб вазирилар даражасида йиғилишлар, бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Лекин очик тан олишимиз керак, уларни тизимли мувофиқлаштириш ва натижадорлигини таъминлаш борасида ҳали анча иш қилишимиз керак.

Ташкилотимиз келгусида мутлақо янги, самарали тизим асосида ишлаши учун умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур, деб ўйлайман.

Шу мақсадда Ташкилотда институционал ислохотлар ўтказишни таклиф этамиз. Бунда, энг аввало, устувор йўналишларимиз бўлган сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирилар даражасида алоҳида кўмиталар тузишни таклиф қиламан. Уларнинг фаолиятига эксперт ва олимлар, жамоатчилик ва хусусий сектор вакилларининг фаол жалб этилиши катта самара бериши шубҳасиз.

Бундан ташқари, Ташкилотимиз Котибиятининг ўрни ва таъсирини кескин ошириши даврнинг ўзи тақозо этмоқда. У ҳар бир йўналиш бўйича ишни самарали ташкил қилиши, кўп томонлама сермахсус ҳамкорлигимизнинг таъсирчан қучига айланishi керак.

Бугун бу ерда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, Котибиятининг янги тузилмасини келгуси саммитимизда тасдиқлашимиз, деб ишонаман.

ТУРКИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ: УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК САРИ



Бошланиши 1-бетда

Шу муносабат билан Ўзбекистон ўз раислиги даврида “Туркий дунё низоҳи — 2040” концепцияси ҳамда бугун қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилотининг деҳ йиллик стратегиясини самарали амалга ошириш, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган Ташкилот нуфузини янада мустақкамлаш ва энг асосийси — тарихи, тили ва маданияти муштарак бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни юксак поғонага олиб чиқиш ниятида.

Ўзбекистон раҳбари Ташкилот фаолиятининг чуқур таҳлили асосида туркий мамлакатларнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини ишга солишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосларини мустақкамлаш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди. — Мамлакатларимизнинг ўзаро товар айланимаси умумий ташқи савдоимизнинг атиги 4 фоизини ташкил этади. Унинг қолгани эса учинчи давлатлар улушига тўғри келмоқда. Албатта, бундай ҳолат ҳеч биримизни қониқтирмайди, — дея таъкидлади Президентимиз.

Бу стратегик йўналишда вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун Ташкилот доирасида “Янги иқтисодий имкониятлар худудини” барпо этиш ташаббуси илгари сурилди.

Ушбу мақсадга эришиш учун давлатимиз раҳбари ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумни ўтказишни таклиф этди. Форум доирасида “давлат ва бизнес” форматда қўшма тадбирлар, тадбиркорлар учрашувлари ва давра суҳбатлари, инновацион лойиҳалар тақдиротлари ва кўргазмаларни ўтказиш катта амалий натижа беради. Ушбу тадбирлар якунлари бўйича қўшма дастур

ва лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга қаратилган йиллик “йўл хариталари” қабул қилиниши мумкин аҳамиятга эга бўлади.

Бу чоралар, энг аввало, ўзаро савдони кескин ошириш ва учинчи мамлакатлар бозорларига биргаликда чиқиш, қўшилган қиймат узлуксиз занжирларини яратиш, юқори технологик кластерлар ва венчур ширкатларни ташкил этишга қаратилди.

Кун тартибидеги яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган долзарб масала бу — транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш.

— Биз Транскаспий халқаро коридори ҳақида кўп гапиряпмиз, аммо сезиларли натижаларга эришиш учун анча ишлар қилишимиз керак, — деди Ўзбекистон Президенти.

Транспорт вазири асосий эътиборни минтақамиздаги транзит коридорларининг рақобатбардошлигини ошириш, бизнес учун энг мақбул тарифларни жорий этиш ва замонавий транспорт инфраструктурасини яратишга қаратган ҳолда, йил охирига қадар қўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Бу йил Тошкентда ўтказилган Биринчи Туркий агрофорум озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида низоҳатда катта салоҳият борлигини яққол кўрсатгани таъкидланди.

— Ташкилотимизнинг нафақат ўз мамлакатларимизни, балки ташқи бозорларни ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти бор, — деди Ўзбекистон раҳбари.

— Эътиборингизни яна бир долзарб масалага қаратмоқчиман. Бугунги кунда ён қўшимиз Афғонистондаги мураккаб вазият барчамизни албатта жиддий ташвишга солади. Бу мамлакатдаги мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш масаласи ҳеч қачон назаримиздан четда қолмаслиги керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бугун Ўзбекистон Туркий маданият халқаро ташкилотига тўлақонли аъзо бўлди. Келгуси йилда эса ташкилотнинг 30 йиллигини нишонлаш доирасида Туркий халқлар маданияти фестивали ўтказилади.

Яқинда юртимизда Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат 100 жилдиди “Туркий адабиёт дурдоналари” тўплами ўзбек тилида нашр қилинди.

Ушбу бебаҳо маънавий хазинани барча аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этсак, қардош элларимизни, авваламбор, ёш авлодларимизни ўзаро яқинлаштириш учун мустақкам замин яратган бўлар эдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Туркий давлатлар ташкилоти фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш, унинг нуфузини янада ошириш ва ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ ишлатиш мақсадида бу тузилмада институционал ислохотлар ўтказишни таклиф этди.

Устувор йўналишлар бўлган сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва инвестиция, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, туризм, инновация ва таълим, тиббиёт, ёшлар ва бошқа соҳалар бўйича вазирилар даражасида алоҳида кўмиталар тузиш таклифи билдирилди.

— Уларнинг фаолиятига эксперт ва олимлар, жамоатчилик ва хусусий сектор вакилларининг фаол жалб этилиши катта самара бериши шубҳасиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундан ташқари, Котибиятининг ўрни ва таъсирини ошириш учун келгуси саммитда унинг

янги тузилмасини тасдиқлаш, давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтиришга ташкилотнинг Оқсоқоллар кенгашини жалб этиш бўйича ташаббуслар илгари сурилди.

— Туркий дунёимизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихи, улўғ аждодлари ва бекиёс бойликлари бор. Ва мен ишонаман, туркий дунёни буюк келажақ кутмоқда. Бу келажақни, ҳеч шубҳасиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқларимиз билан биргаликда яратамиз. Қўҳна Самарқанд шаҳридаги саммитимиз эса туркий дунё цивилизациясининг замонавий тарихида янги юксалиш босқичини бошлаб беради, — деди Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида.

Йиғилиш натижалари бўйича Ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада кенгайтиришга қаратилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби лавозимига Кубаничбек Омуралиев номзоди тасдиқланди.

Шавкат Мирзиёев таклифига кўра, Ташкилот доирасида 2023 йил Туркий цивилизациянинг юксалиш йили, деб номланади.

Туркия Республикасининг Туркий давлатлар ташкилотига кейинги бир йилдаги расмий якунига етди ва бу вазифа Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Қозоғистон томонининг таклифига кўра, Ташкилотнинг навбатдаги саммити 2023 йилда Қозоғистонда ўтказилади.

Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши якунланган, ташкилот томонидан таъсис этилган мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилиш якунларига қисқача тўхталиб, унда жуда муҳим қарор ва келишувларга эришилганини таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклиқни мустақкамлашда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған ҳамда Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг алоҳида ҳиссаси борлиги қайд этилди. Уларни “Туркий дунёнинг Олий ордени” билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Режеп Таййип Эрдоған ва Гурбангули Бердимухамедовга бу мукофотларни Президент Шавкат Мирзиёев топширди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилган. Унинг илк соҳиби туркий дунё бирлигига улкан ҳисса қўшган буюк адиб ва жамоат арбоби, улўғ гуманист Чингиз Айтматов бўлди.

Бу мукофот Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга топширилди.

Режеп Таййип Эрдоған, Гурбангули Бердимухамедов ва Садир Жапаров мукофотлар учун миннатдорлик билдириб, Самарқанд саммити жуда самарали, халқларимиз учун манфаатли бўлганини таъкидлади.

Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити доирасида яна бир хайрли ишга кўл урилди — барча иштирокчи мамлакатларда дарахт экиш маросими бўлди.

Яна битта масала — бу давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинаётган барча қарор ва ҳужжатларнинг қатъий назорат тизимини кучайтириш билан боғлиқ. Бу жараёнга Ташкилотимиз оқсоқоллар кенгашини жалб этиб, уларнинг бой тажриба ва малакасида унумли фойдаланилиши керак, деб ҳисоблайман.

Хурматли дўстлар! Туркий дунёимизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихи, улўғ аждодлари ва бекиёс бойликлари бор.

Ва мен ишонаман, Туркий дунёни буюк келажақ кутмоқда.

Бу келажақни, ҳеч шубҳасиз, меҳнаткаш, бағрикенг ва олижаноб халқларимиз билан биргаликда яратамиз.

Қўҳна Самарқанд шаҳридаги саммитимиз эса туркий дунё цивилизациясининг замонавий тарихида янги юксалиш босқичини бошлаб беради.

Бугун ана шундай эзгу гоёни ўзида ифода этган Самарқанд декларацияси ҳам қабул қилинади.

Шунингдек, Ташкилотимиз доирасида 2023 йилни Туркий цивилизациянинг юксалиш йили, деб эълон қилиш таклифимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун ташаккур билдираман.

Хурматли саммит иштирокчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимиз номидан Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга ва дўст Қозоғистон халқига яқинда бўладиган муҳим сиёсий тадбир — Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилаймиз.

Ишонамизки, донишманд қозоқ эли ўз мамлакатининг тинчлиги ва тараққиёти, олиб борилаётган муҳим ислохотларнинг бардавомлиги учун овоз беради.

Сўзимнинг якунида Ташкилотимиз Бош котиби сифатида ўз фаолиятини якунлаётган Бағдод Амреев жанобларига ҳам алоҳида миннатдорчилик изҳор этаман. Келгуси ишларингизда Сизга ютуқ ва омад ёр бўлсин.

Янги Бош котиб, тажрибали дипломат Кубаничбек Омуралиев жанобларини лавозимга қиришаётгани билан ҳам чин дилдан муबारакбод этаман. Сизга масъулиятли фаолиятингизда катта зафарлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ташкилотда бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлган экология масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, табиатни асраш бўйича амалий чоралар қўрилмақда. Хусусан, Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Яшил макон” дастури амалга оширилмоқда. Бундан лойиҳалар Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон ва Венгрияда ҳам бор.

Самарқанд бу эзгу ҳаракатларни бирлаштирди. Саммитнинг асосий таъдирларидан кейин туркий давлатлар етакчилари Регистон майдонида таширф бўурди.

— Не-не тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган муҳташам Регистон майдонида туриб, туркий дунё цивилизациясининг яққол босқичига рамизий маънода қадам қўймоқдамиз. Улўғ аждодларимизга хос бўлган азалий аънаёларни давом эттирган ҳолда, яна бир хайрли ташаббусни бошламоқдамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарахт экиш миллатларимиз қадрияти, бугунги муштарак интилишлар тимсоли экани таъкидланди.

— Бу ишларнинг барчаси туркий халқлар умумий тараққиёти ва фаровонлиги сари муштарак интилишларимизнинг яққол тимсоли, десак, муволафа бўлмайди. Биз бугун туркий дунё хурматли етакчиларининг ушбу табаруқ заминга ўз қўллари билан қўчат эканларини юксак қадрлаймиз. Зеро, бу ниҳоллар — ҳаёт дарахтлари, дўстлик ва ўзаро ишонч, маънавият ва келажақ боғлари бўлиб қад ростлайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон ва Венгрия етакчилари мажмуа боғига қўчатлар экиди.

Маросим ушбу давлатлар пойтахтлари ва мамлакатимиз худудларида видеоолюқа орқали кўрсатилди. У ерларда ҳам минглаб қўчатлар экилди. Шу тарика, дарахтзорларни қўпайтириш ҳаракати халқаро микёс касб этди.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Утган даврда соҳа ходимларининг сайъ-ҳаракатлари билан 5 минг 425 нафар ишчи-хизматчининг меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 11 миллиард сўмга яқин маблаг ундирилгани меҳнат қонунчилигини таъминлашда касаба уюшмаларининг ўрни муҳим эканининг амалий тасдиғидир.

Шу билан бирга, меҳнат муҳофазаси бўйича 932 та корхона ва ташкилотдаги ходимларнинг ҳаёти ва меҳнати учун хавф туғдириши мумкин бўлган 5 мингдан зиёд камчиликнинг бартарфга этилгани бу борада самарали тизим яратилганидан далолат бермоқда.

Касаба уюшмалари фаоллари томонидан ёз мавсуми давомида республика бўйича 400 мингдан зиёд болаларнинг оромгоҳларида дам олишлари ташкил этилганини, 143 мингдан ортиқ ходимлар ва уларнинг oila аъзолари, 300 дан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийларининг тизимга қарашли сихатгоҳларда имтиёзли тарзда соғломлаштирилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Жорий йилда Фарғона вилояти Сўх туманида замонавий болалар оромгоҳи ва Тошкент вилоятининг Паркент туманида “Заркент” санаторийиси барпо этилди. Айниқса, касаба уюшмалари куни арафасида Бўстонлиқ туманидаги Чимён туристик зонасида фойдаланишга топширилган “Севарсой” санаторийиси юртимиз меҳнаткашлари учун ўзига хос байрам совғаси бўлди.

Шунингдек, 100 йилдан ортиқ тарихга эга, ўз вақтида миллий санъатимиз ва жаҳон маданиятининг машҳур даргалари ўзининг бетакрор ва ёрқин истеъдодини намоён этган Тошкент шаҳри марказидаги собиқ маданият маскани бугун янги қиёфа касб этиб, “Касаба уюшмалари саройи” сифатида қайта бунёд этилди. Ушбу санъат қошонаси касаба уюшмаларининг сайъ-ҳаракати билан ўзбек маданияти ва санъатини янада раванқ топтириш, ёш авлоднинг маънавий дунёсини юксалтиришдек эзгу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади, деб ишонаман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилгани соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат муносабатларини илмий тадқиқ қилиш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани мамлакатимиз нуфузини жаҳон миқёсида тараннум этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат кенгашига монанд тарзда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан тузилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши минтақа мамлакатларининг меҳнаткашлари ўртасида дўстлик ва бирдамлик, ўзаро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яқин қўшнчилик муносабатларини жадал ривожлантириш учун ўзига хос мулоқот майдони вазифасини бажариб келмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабабини, энг аввало, ташкилотнинг халқ ичига чуқур кириб бораётгани, одамларнинг оғирини енгил қилиш, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олганида, деб биламиз.

Утган давр мобайнида “Аёллар дафтари” тизими орқали мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда 1,5 миллионга яқин опа-сингилларимизнинг муаммоларини “фуқаробай” асосда ўрганиб, ҳал этишда касаба уюшмалари алоҳида ташаббус ва жонбозлик кўрсатмоқда. Бу борада Федерация қошида ташкил этилган “1211” ишонч телефонига хотин-қизлар томонидан келиб тушган 130 мингга яқин мурожаатларда билдирилган масалаларнинг ҳал этилгани ҳам шундан дарак беради.

Кооперация усулидаги тадбиркорлик тажрибасини оммалаштириш бўйича ишга туширилган 924 та лойиҳа орқали 100 мингдан ортиқ аҳоли, жумладан, 73 мингга яқин аёлларимиз иш билан таъминланди.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ҳамда меҳнат жамоалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишларида фаол иштирок

этаётган сиз, азиялarga чин қалбидан миннатдорчилик билдираман.

Хўрматли дўстлар! Барчамизга маълумки, мамлакатимиз касаба уюшмалари ўз сафларида 5,5 миллиондан зиёд ходимларни бирлаштирган энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланади. Унинг аъзолари сони доимий тарзда кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари куни республикаимизнинг барча ишчи-ходимлари томонидан муҳим сана сифатида кенг нишонланади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган, инсон қадрли ва унинг шаънини улуғлашга қаратилган халқпарвар сийатнинг амалий намоёни сифатида **11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига** меҳнаткашлар байрами, умумхалқ байрами макomini бериш ва ушбу кунни дам олиш куни деб белгилашни тақлиф этаман.

Бугунги мурақаб ва шиддатли давр корхона ва ташкилотларда ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни тақозо этмоқда ва сиз, азиялр бу борада ҳар томонлама фаоллик кўрсатасиз, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар! Хўрматли касаба уюшмалари ходимлари! Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан бундан буён ҳам доимий қўллаб-қувватлаш асосида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг иш ҳақи миқдорини ошириб бориш бўйича барча имкониятлар сафарбар этилади.

Чунки самарали меҳнат қилиш ва унинг роҳатини кўриш — ҳар бир инсон ҳаётининг маъно-мазмунидир.

Ўз олдимизга қўйган улкан ва эзгу вазифаларни амалга ошириш, “Эл азиз, инсон азиз” деган олижаноб ғояни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қарор топтириш, меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантириш кўп жиҳатдан касаба уюшмалари ва уларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Барчангизни бугунги кутлуг айём — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан яна бир бор самимий табриклаб, хонадонларингизга сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, масъулиятли ва шарафли ишларингизда эса янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Бошланиши 1-бетда

“Инсон қадрли учун” деган эзгу тамойилни жамиятимиз ҳаётида тўла рўёбга чиқариш мақсадида кейинги вақтда юртимизда соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан мунтазам учрашиб, олдимизда турган вазифалар ва долзарб муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикрлашиб олиш ибратли анъанага айланди.

Жорий йилда сизлар билан ўтказилган мулоқотларимиз ҳам ҳар томонлама фойдали бўлди. Бунинг натижасида 2022 йилда соҳага оид йигирмадан зиёд қонун, фармон ва қарорлар ҳамда бошқа зарур меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга ижчил татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда сизларнинг фаол сайъ-ҳаракатингиз билан тиббиёт хизмати бевосита маҳаллаларга, ҳар бир юртошшимизнинг хонадонига кириб бормоқда. Юқори малакали шифокорлар, олим ва мутахассислар жойларга чиққан ҳолда, оғир хасталиклардан азият чекаётган беморларнинг саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бу йил ҳудудлар бўйлаб ўтказилган саломатлик акциялари давомида юртошларимизнинг 210 минг нафари амбулатор ва 65 минг нафари стационар шaroитда соғломлаштирилгани салмоқли натижалардан бири бўлди. Биз бундай эзгу ва хайрли ишларни келгусида ҳам ижчил давом эттирамиз.

Инсон ҳаёти ва саломатлигини асраб-авайлашдек ғоят муҳим вазифани адо этишда бирон-бир масалани эътибордан четда қолдириш, муаммоларнинг ечимини пайсалга солиш мумкин эмаслигини барчамиз яхши англаймиз.

Шу сабабли, тиббиёт соҳасини ривожлантириш жараёнида, аввало, бу борадаги мавжуд муносабат ва ёндашувларни тубдан ўзгартириб, **“инсон — жамият — давлат”** тамойилини ҳаётга жорий этиш устувор масала бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Хусусан, биргина 2022 йилда жойларда 100 дан зиёд oilавий шифокорлик пункти, поликлиникалар ҳамда олис ва чекка ҳудудларда 1000 дан ортиқ маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилди. Натижада қўшимча равишда яна 3,5 миллион аҳолини бирламчи тиббий хизмат билан қамраб олишга эришилди.

Oilавий шифокорлар томонидан аҳолига бепул тарқатилadиган 70 хилдаги дори-дармонлар учун маблаглар ҳажми утган йилга нисбатан 3 баробарга оширилди. Бирламчи тиббиёт муассасалари замонавий ультраовуш, электрокардиограмма ускуналари, стоматологик ва жаррохлик тўпламлари билан жиҳозланмоқда.

Oilавий поликлиникаларда кундузги даволаш ўринлари ташкил этилиши натижасида 740 минг киши

шифохонага бормасдан, бевосита ўзи истикомат қилётган маҳаллада муолажа олиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимизда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш мақсадида ушбу клиникаларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиб, мажбурий туристик ййгимлар бекор қилинди ҳамда давлат маблаглари ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатишга рухсат этилди.

Саломатлик посбонларининг оғир ва масъулиятли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларнинг ўз касбидан манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.

Яқинда соҳа ходимларининг oilик маоши 30 фоизгача оширилиб, иш самарадорлиги ва натижасига қараб табақалаштирилган рағбатлантириш ҳамда устама тўловлари жорий этилгани ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган ижобий натижалар билан бир қаторда, ҳали олдимизда бажаришимиз зарур бўлган вазифалар ҳам етарли эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу ҳақда гапирганда, тиббиёт тизимини ривожлантириш йўлида бошланган ва халқимиз саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалаларни таъкидлаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Бугунги кунда беморларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда уларнинг танловига ҳурмат билан қараш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Ана шу заруратдан келиб чиқиб, бундан буён тиббиёт тизимини “маблагни бевосита беморга сарфлаш” тамойили асосида молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Яъни маблаглар тиббиёт муассасаларига умумий тарзда эмас, балки даволанган беморларга сарфланган харажатлардан келиб чиққан ҳолда йўналтирилади.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкам қарор топтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар бир фуқаронинг соғлигини асраб-авайлаш, уларни малакали тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш масалалари бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Хўрматли тиббиёт ходимлари! Соғлиқни сақлаш соҳасини тезкор ва самарали, халқчил тизимга айлантириш йўлидаги isлохотлар жараёнида сизлар ўз зиммангиздаги масъулиятни шараф билан адо этиш учун бор билим ва маҳоратингиз, салоҳият ва тажрибангиз, азму шижоатингизни намоён этишингизга ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, келгуси фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, oilавий бахт-саодат, хонадонларингизга кут-барака тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азиз шифокорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Авезов Давлат Қурбанбаевич — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий клиник шифохонаси шошилинч кардиология бўлими мудири
Мўминов Хусанбой Нажимидинович — Олтинқул тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими болалар анестезиолог-реаниматолог, Андижон вилояти

Абдуҳакимов Шосайд — Қорақўл туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйи психиатри, Бухоро вилояти
Муҳамедова Машкура — Республика қон қуйиш марказининг қон ва унинг компонентларини тайёрлаш бўлими трансфузиолог

Усманов Рустам Музаффарович — Тошкент шаҳридаги 3-юқумли касалликлар клиник шифохонаси анестезиолог-реаниматолог
Хидиров Абдурасул Нурбаевич — Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмаси терапевти, Қашқадарё вилояти

I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Хакимова Зулфия Хурматовна — Тошкент туманидаги “Н.Боймухамедов” қишлоқ врачлик пункти мудири, Тошкент вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдуллаев Дилором — Ғаллаорол туманидаги 10-қишлоқ oilавий поликлиникаси мудири, Жиззах вилояти

Абдухаликова Тухтапошшо Нурматовна — Мингбулоқ туманидаги “Қўғалиқўл” oilавий шифокорлик пункти катта ҳамшираси, Наманган вилояти

Ачилова Гулзора Сайидмуродовна — “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасининг тиббий-санитария бўлими болалар юқумли касалликлар бўлинмаси мудири, Навоий вилояти

Жумабаева Гулмира Уразимбетовна — Қўнғирот туманидаги 70-oilавий поликлиникаси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Кахарова Дилором — Сурхондарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлими шифокори

Рустамова Дилбара Урушовна — Боёвут туманидаги 7-oilавий поликлиникаси мудири, Сирдарё вилояти

Юсупова Мехрибон Қадамовна — Қўшқўпир туманидаги 23-oilавий поликлиникаси мудири, Хоразм вилояти

II даражали “Саломатлик” ордени билан

Айтеков Бакир Шукирлаевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали реанимация бўлими шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимов Данияр Анварович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори

Алимова Ашира Ураловна — Сирдарё туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи психиатри, Сирдарё вилояти

Алихожаева Назорат Арипходжаевна — фуқрат туманидаги “Ингичка” oilавий шифокорлик пункти oilавий шифокори, Фарғона вилояти

Арипова Матлуба Нартураевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали тез тиббий ёрдам бўлими шифокори, Сурхондарё вилояти

Бустонова Гулшоҳа Аширалиевна — Учқудуқ тумани кўп тармоқли поликлиникаси дерматоневрологи, Навоий вилояти

Икрамова Ирода Ташходжаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали катта ҳамшираси

Мадаминов Алишер Аскарович — Хужайли тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими травматолог, Қорақалпоғистон Республикаси

Норкузиев Шерали Сафаралиевич — Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг ангиохирургия ва трансплантация бўлими мудири

Одилова Жамила Киямовна — Қашқадарё вилояти перинатал марказининг реанимация бўлими ҳамшираси

Рўзметова Хаитжон Қаландаровна — Богот тумани тиббиёт бирлашмаси терапевти, Хоразм вилояти

Рустамов Бахромкул Суюнович — Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими инфекционисти, Жиззах вилояти

Султанова Дилбар Хамидуллаевна — Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг функционал диагностика бўлими шифокори

Суюмов Азамат Сайфуллаевич — Академик В.Вохидов номидаги Республика иختисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг қон томир хирургияси ва буйрак трансплантацияси бўлими жарроҳи

Хафизова Тухтахон Яхяевна — Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлими шифокори

Ҳўжамбердиев Абдусалом Убайдуллаевич — Республика иختисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали юрак-қон томир хирургияси бўлими мудири, Наманган вилояти

Шаробиддинов Фахриддин Ривожидинович — Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими “Шаханд” шохобчаси шифокори, Наманган вилояти

Ўлдашев Абдулазиз Абдумаликович — Тошкент шаҳридаги 1-болалар клиник шифохонасининг реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог

Яқубов Одилжон Назирович — Андижон туманидаги “Ҳақиқат” oilавий шифокорлик пункти катта фельдшер, Андижон вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Азизова Дилбар Басатовна — Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неонатология бўлими шифокори

Аллазов Феруз Ниязович — Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали патоморфология бўлими мудири, Самарқанд вилояти

Димитрова Татьяна Ивановна — У.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб шифохонаси катта ҳамшираси

Искандарова Сайёрахон Муталибовна — Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасининг қон қуйиш бўлими ҳамшираси, Фарғона вилояти

Каппов Саларбай Уразбаевич — Чимбой тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи, Қорақалпоғистон Республикаси

Прудскова Татьяна Николаевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали терапия бўлими кардиологи, Жиззах вилояти

Хайमतов Йўлчилов Ёрматович — Паркент тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Тошкент вилояти

Шарапов Сайпулла Эркаевич — Миришкор туманидаги “Чандир” қишлоқ шифохонаси бош шифокори, Қашқадарё вилояти

Югай Игорь Александрович — Республика иختисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази нейрохирурги

Юсупова Батес Аденбаевна — Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси болалар аллергоневрология бўлими кичик тиббий ходими

“Соғлом турмуш” медалли билан

Ашурова Манзураҳон Джалолдиновна — Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини оқватланиш, болалар ва ўсимирлар гигиенаси кафедраси мудири, Фарғона вилояти

Жалилов Шуқуриллажон Худойбердиевич — Андижон шаҳридаги “Соғлом турмуш” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

“Шухрат” медалли билан

Абдиев Кадам Атабаевич — Урганч тумани тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери, Хоразм вилояти

Журалиев Музаффар Журалиевич — Болалар миллий тиббиёт марказининг кардиология бўлими шифокори

Каримов Журабек Сунатуллоевич — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг диагностика бўлими шифокор-сурдолог

Муйдинов Жавлонбек Иброхимович — Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими мудири

Муртазаев Жасур Бобоназарович — Қарши шаҳридаги “Невромед шифо маскани” хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мухаммадиева Лазиза Ярқуловна — Олмазор тумани тиббиёт бирлашмасининг туманлараро фтизиатрия диспансери фтизиатри, Тошкент шаҳри

Насриева Дилафрўз Савриддиновна — Вобкент туманидаги “Д.Бобоқулов” oilавий шифокорлик пункти мудири, Бухоро вилояти

Нуруллаев Нисбатулло Насруллоевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё филиали кардиотерапевтик реанимация бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Рахимов Шерзодбек Алишерович — Андижон туманидаги “Malika laboratories” масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

Рахманова Дилбар Ибрагимовна — Республика махсус 1-Зангиота шифохонасининг юқумли касалликлар бўлими шифокори

Абдусаматов Шовкат Абдумухторович — Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тез тиббий ёрдам бўлими ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 11 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ

ТУРКИЙ ДУНЁ БУЮК ТАРИХИ ВА КУДРАТЛИ КЕЛАЖАГИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Самарқанд шаҳри жорий йил сентябрь ойида муваффақиятли ўтган ШХТнинг тарихий саммитидан сўнг навбатдаги йирик тадбир – Туркий давлатлар ташкилоти саммитига мезбонлик қилди

Саммит воқеалари туркий мамлакатлар оша бутун дунё бўйлаб катта қизиқиш билан кузатиб борилди. Ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар етакчиларининг бирдамлик йўлидаги ташаббуслари, мақсадлари рўёби халқларимиз турмуш фаровонлиги ва тинчлигимиз кафолати сифатида бўй кўрсатишига ишонч билдирилмоқда.

Инвестиция жамғармаси ҳамкорликнинг янги имкониятларини очади

Рустам ҲАСАНОВ, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари:



— ТДТга аъзо давлатлар ўзаро товар айланмаси умумий ташқи савдомизнинг атиги 4 фоизини ташкил этиб, қолгани учинчи давлатлар улушига тўғри келаётгани барчамизни ўйлантириши табиий. Айниқса, туркий давлатлар ўртасидаги умумий савдо ҳажмини оширишни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, давлатимиз раҳбари Ташкилот доирасида **“Янги иқтисодий имкониятлар худудини”ни барпо этиш** ташаббусини илгари сурди. Бунда Ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ҳамда дунёнинг етакчи бизнес вакиллари кенг жалб қилган ҳолда, ҳар йили **Халқаро туркий иқтисодий форумни ўтказиш** тақдир этилди.

“Биз Қўшма инвестиция фондини ишга тушириш тақдирини ҳам тулиқ қўллаб-қувватлаймиз”, деди давлатимиз раҳбари. Ушбу ташаббус негизда инвестициялар жалб этиш, унинг жозибадорлигини ошириш, ўзаро сармоялар алмашиш, улар ҳисобидан замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда халқларимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш кўзда тутилган.

Туркий давлатларнинг ўзаро алоқаларида сармоявий имкониятларни кенгайтириш, ҳамкорликни янги даражага кўтариш мақсадида

Инвестиция жамғармаси таъсис этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бу, **биринчидан**, Ташкилотга аъзо ва кузатувчи давлатлар иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг энг самарали йўллари аниқлаш, инвестициявий ҳамкорлик истиқболларини белгилаш имконини беради. **Иккинчидан**, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва манфаатлар уйғунлиги бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтиришнинг энг самарали йўллари аниқлаш, жумладан, савдо, сармоя, транспорт соҳасидаги ташаббусларни амалга ошириш ва кўп томонлама муносабатларнинг бошқа механизмларини қўллашга хизмат қилади. **Учинчидан**, кўп томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш, жумладан, транспорт йўлакларини, божхона ва чегара ўтказиш пунктларини, логистика марказларининг узлуksиз ишлашини таъминлаш бўйича ягона ёндашувни амалиётга жорий этишга шароит яратади. **Тўртинчидан**, иқтисодиётга инновациялар ва рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшма режалар, ягона электрон платформани ишга тушириш, жумладан, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларни ривожлантиришда рақамлаштириш ва электрон ҳукумат тизимини жорий этиш даражасини ўрганиш ҳамда баҳолаш бўйича инвестицияларни мувофиқлаштириш мумкин бўлади.

Айни пайтда **“Савдога кўмаклашиш стратегияси”**нинг қабул қилиниши мамлакатларимизда савдодаги миқдорий чекловлар ҳамда нотариф чораларини бартараф этишга шароит яратиб беради. Чунки савдо-иқтисодий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш туркий давлатлар ҳамкорлигининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Транспорт йўлакларини, божхона-чегара ўтказиш пунктларини ва логистика марказларининг узлуksиз фаолиятини таъминлашда аъзо ва кузатувчи давлатлар бирдамлиги ва мавжуд шароитларни янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ўзаро савдо эркинлиги, иқтисодий муносабатлардаги либераллиқни таъминлаш ҳамда божхона хизматлари ва тарифлар тизимини мувофиқлаштириш имконини беради.



Бекзод НАРИМОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти:

— Пандемия оқибатлари ва замонавий таҳдидлар фонида тарихи, маданияти муштарак бўлган туркий давлатларнинг ўзаро интеграция ва ҳамкорликка интилаётгани объектив зарурат ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммити минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни чуқурлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Албатта, бу БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла мос келиб, бугунги кунда тобора сўниб бораётган ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитининг Ташкилот доирасида жойлаштиришга хизмат қилади. Дунёдаги мураккаб ва таҳликали шароитда туркий давлатлар интеграцияси Европа ва Осиёни боғлаб турувчи барқарорлиқни тақдим этмоқда. Саммит давомида давлатимиз раҳбарининг Самарқанд шаҳрини

Ташкилот салоҳиятининг янада кенгайиши институционал ўзгаришларга боғлиқ

“Туркий цивилизация пойтахти” деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлангани барчамизни қувонтирди. Бунда ҳам ўзига хос рамзий маъно мужассам. Чунки Самарқанд азалдан халқлар, маданиятлар, тарихий даврларни боғловчи боқий шаҳар мақомида бўлиб келган.

Президентимиз Туркий дунё буюк тарихининг ёрқин саҳифалари улуғ аждодаларимиз томонидан биргаликда яратилганини айтди. Бу, ўз навбатида, бизга янги давр қаҳриқларига мос ҳолда ҳамкорликка тараққий этиш йўлида катта масъулият юклайди.

Туркий давлатларнинг тарихи, географик жойлашуви ва муштарак мақсад-муддаолари Ташкилотнинг реал салоҳияти ҳозирги ҳолатдан анча юқори эканини кўрсатмоқда. Шу боис, **“Туркий дунё нигоҳи — 2040”** концепциясини изчил амалга оширишга қаратилган **“Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси”** Самарқанд саммитида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Мазкур ҳужжат туркий давлатларнинг муштарак манфаатли ва мақсад-муддаоларини изчил амалга оширишда ўзига хос беш йиллик “йўл кўрсаткич” ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳат. Ташкилотга аъзо давлатларнинг муҳим геосиёсий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, Европани Осиё билан боғлашда транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни таъминлаш масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўшбу йўналиш бўйича Ўзбекистон 10 фоиз ташқи савдо юкларини ташувларини айнан шу коридор орқали амалга оширмоқда. Президентимиз шу

жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, Транскаспий халқаро коридорининг аниқ механизмларини белгилаш тақдирини илгари сурди. Саммит давомида қабул қилинган дастур асосида транспорт ва зирқлар томонидан йил охирига қадар қўшма ҳамкорликнинг аниқ режа ва самарали механизмлари ишлаб чиқишига умид билдирилди.

Бу борада, айниқса, Туркия ва Ўзбекистон ўртасида яқинда жорий этилган автотранспорт электрон руҳсатномаларини алмашиш тизими алоҳида эътирофга лойиқ. Президентимизнинг келгусида мазкур тизимга ТДТга аъзо бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши бўйича тақдир туркий дунёнинг транспорт-логистика тизими ривожланишига янги импульс бериши шубҳасиз.

Саммитда давлатимиз раҳбари чуқур таҳлил асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширишни тақдир этди. Шу каби қўллаб тақдирлар **Ташкилотнинг замонавий қаҳриқларга муносиб жавоб берадиган мутлақо янги ва самарали тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда.**

Хусусан, ТДТнинг минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни чуқурлаштириш каби устувор йўналишларни ҳаётга татбиқ этишда тегишли ва зирқлар даража-

сида ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи қўмиталар фаолиятини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда қўмиталар фаолиятини ахборот-таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш, турли соҳалар бўйича умумий ёндашувлар илмий-назарий жиҳатдан асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда ҳамкорликка янги импульс бериш мақсадида туркий давлатлар “ақл марказлари” ва юқори малакали мутахассислар салоҳиятидан самарали фойдаланиш жуда долзарбдир. Бу, ўз ўрнида, Ташкилотнинг самарали фаолият юртишида Халқ дипломатияси институтига ҳам таъйинини аниқлатади.

Шак-шубҳасиз, ТДТ кўзлаган эзгу мақсадларга эришишда унинг котибияти роли ва ўрнини ошириш объектив заруратга айланмоқда. Мазкур институт туркий давлатлар ўзаро ҳамкорлигининг асосий драйвери бўлмоғи талаб этилмоқда. Шу сабабли, давлатимиз раҳбари Ташкилот котибиятининг янги тузилмасини ишлаб чиқиш ва кейинги саммитда уни тақдирлаш тақдирини билдирди. Мазкур тақдир ҳам аъзо ва кузатувчи давлатлар етакчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан илқ қутби олинди.

Ташкилотимиз кўзлаган мақсадлар — эзгу, унинг маконидagi давлатларнинг тарихи ва келажаги муштарак. Шундай экан, Самарқанд саммитида эришилган тарихий келишувларни ҳаётга жорий этиш ва унга оғишмасдан риоя этиш мақсадга мувофиқ.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Самарқанд дунёга ўзбек дипломатиясининг ёрқин имижини намойиш этди

Анваржон МИРКОМИЛОВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази эксперти:

— Бугунги Самарқанд Ўзбек дипломатиясининг янги қиёфасини дунёга намойиш қилмоқда. Жорий ҳафта туркий дунё дипломатлари, эксперт-таҳлилчилари, ОАВ эътибори, нигоҳи, диққат маркази Самарқандда бўлиб ўтаётган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитига қаратилди. Самарқанд барча йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш, муштарак мақсадларга эришиш учун сиёсий-дипломатик, маслаҳатлашув, самимий, очик мулоқот майдони сифатида дунёга намойиш берди. Бу қўлғу шаҳардан тарқалаётган янгиликлар дунё оммавий ахборот воситаларининг бош саҳифасидан ўрин олди.

Туркий давлатлар ташкилоти саммити нуфузли тузилма тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Саммитда Ероосиёнинг муҳим стратегик ҳудудларида жойлашган туркий дунё мамлакатлари раҳбарлари иштирок этди. Мазкур анжуман Ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми ва номи ўзгаргандан кейин илк саммит сифатида тарихга кириши билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Ташкилотнинг жозибадорлиги ва ишончлилиги унга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳеч қандай зиддият, муаммоли масалалар мавжуд эмаслиги бўлса, давлатларнинг ривожланиш даражаларидаги мутаносиблик ҳам яна бир ютуқ ҳисобланади.

Бугунги кунда маҳаллий ва халқаро эксперт-таҳлилчилар Туркий давлатлар ташкилотининг келажаги порлоқ экани,



унда ишга солинмаган ҳамкорликнинг бой имкониятлари мавжудлиги ҳақида сўзламоқда.

Маданий-гуманитар соҳада алоқаларни мустаҳкамлаш Туркий давлатлар ташкилоти ҳамкорлигининг асосий вазифа ва йўналишларидан бири саналади. Фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш шулар жумласидан. Шу билан бирга, буюк турк халқларининг бой тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳам Ташкилотнинг йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон шерик давлатлар билан туризмни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2021 йил июнда Қўқон шаҳрида Ташкилотга аъзо давлатлар туризм вазир-

лари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қўқон “Туркий дунёнинг туризм пойтахти”, деб эълон қилинди. Мамлакатларимиздаги муқаддас қадамжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Ушбу шаҳарда 2022 йил 8-10 июнь кунлари “Қўқон хонлигининг туркий халқлар давлатчилиги ва маданий меросини ривожлантиришдаги ўрни” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди.

Туркий давлатлар ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси бўйича ташаббуси юқори савияда ташкил этиш, туризм соҳасидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек, Қўқон шаҳри 2022 йилда “Туркий дунёнинг туризм пойтахти”, деб эълон қилинган муносабати билан шаҳарнинг маданий ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлар учун қўшма қўлайликлар яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини такомиллаштириш ҳамда жозибадорлигини ошириш мақсадида жорий йилнинг 2022 йил 29 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори имзоланди. Ушбу қарор билан туркий дунё доирасида “Табаррук зиёрат” туризм концепцияси тасдиқланди.

Ёшлар масаласи маданий-гуманитар йўналишининг муҳим жиҳати саналади. Ўзбекистон бу соҳада қатор тадбирларга мезбонлик қилмоқда. Жумладан, 2021 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда Ёш тадбиркорлар форуми ташкил этилди ва унинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу форум туркий дунёда ўз бизнесини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар учун фикр алмашиш, ҳамкорлик қилиш ва дўстлашиш учун муҳим платформа вазифасини ўтади. 2022 йил июнь ойида Бухоро шаҳрида Ёш лидерларнинг IV форуми ташкил этилди. Форум давомида Бухоро “Турк дунёсининг биринчи ёшлар пойтахти”, деб эълон қилинди.

Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилиши туркий дунё олимлари ва зиёлиларини қувонтирган воқеа бўлди. Кеча бу қўлғу мукофот илк бор туркий халқлар фахри бўлган Чингиз Айтматовга берилишида ҳам катта рамзий маъно қадар. Боиси, Чингиз оға умрининг сўнига қадар туркий халқлар қайғуси билан яшаб, уларни бирлаштириш ва дунёга танитиш мақсади билан яшади.

Мамлакатимиз мезбонлигида Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мусо Ал-Хоразмий каби алло-маларнинг маданий меросига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилиши туркий маданият ва халқларимиз меросини ўрганаётган тадқиқотчилар, олимлар мулоқоти ўрнатилишида катта майдон вазифасини ўтади.

Саммитнинг муҳим воқеаси Самарқанд декларациясининг имзоланиши бўлди. Мазкур декларация ташкилот доирасида бугунга қадар амалга оширилган ишлар сарҳисоби ҳамда истиқболдаги режаларни ўзда мужассам қилган муҳим ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, анжуманда яна бир ҳужжат — Туркий давлатлар ташкилотининг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Стратегияси ва 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Туркий цивилизация-

МАМЛАКАТИМИЗ МЕЗБОНЛИГИДА МАҲМУД КОШҒАРИЙ, ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ, АЛИШЕР НАВОИЙ, МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙ КАБИ АЛЛОМАЛАРНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАНЛАР ЎТКАЗИЛИШИ ТУРКИЙ МАДАНИЯТ ВА ХАЛҚЛАРИМИЗ МЕРОСИНИ ЎРГАНАЁТГАН ТАДҚИҚОТЧИЛАР, ОЛИМЛАР МУЛОҚОТИ ЎРНАТИЛИШИДА КАТТА МАЙДОН ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ.

нинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида ўтган саммитда иқтисодиёт, савдо, инвестициялар, транспорт, инновациялар, экология, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалаларига оид муҳим концептуал аҳамиятга эга бўлган ташаббус ва тақдирлар илгари сурилди.

Хусусан, маданий-гуманитар йўналишда келгуси йили юртимизда туркий дунё ёшларининг илм ва инновациялар халқаро конгрессини, туркий халқлар маданияти фестивалини ўтказиш, Ташкилот Бош котибининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш, Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни ҳар йили бериб бориш, 2023 йилни “Туркий цивилизациянинг юксалиш йили”, деб эълон қилиш каби тақдирларни илгари сурди.

Анжуманнинг муҳим воқеаларидан бири жаҳон халқлари учун дўстлик ва тинчлик тимсоли, илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлган Самарқанд

шаҳрини “Туркий цивилизация пойтахти”, деб эълон қилиниши бўлди.

Саммит тафсилотларини дунёга тезкорлик билан етказиш мақсадида миллий ва хорижий ОАВнинг 570 дан ортиқ вакили бевосита Самарқанддан туриб ёритиб боргани, шунингдек, Ташкилот фаолияти, анжуманда қабул қилинаётган ҳужжатлар, қарорлар, ташаббус ва тақдирларнинг мазмун-моҳиятини халқчил тилда етказиш учун 50 га яқин тажрибали эксперт, олимлар бевосита жараёнларда иштирок этгани ҳам эътиборга молиқ.

Ишонч билан айтиш керакки, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммит маданий-гуманитар соҳада халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва механизмларини очиб бериши билан алоқаларни янги босқичга кўтарди. Бир сўз билан айтганда, саммит бутун турк дунёсини бирлаштириш, давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий интеграциялашувда муҳим бурилиш даврини бошлаб берди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Ўтган йилдан эътиборан, 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни сифатида кенг миқёсда нишонлана бошлади. Бу йил пойтахтимизда мазкур санага бағишланган тантанали байрам тадбири ўзгача рух, кўтаринки кайфиятда ўтди.



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

Дастлаб Тошкент шаҳри марказидаги юртимиз маданияти ва санъатида ўзига хос ўрин тутган тарихий бино негизда қайтадан барпо этилган Ўзбекистон касаба уюшмалари саройининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Тадбирга ташриф буюрганлар саройдаги улкан бунёдкорлик ва назорат дид билан амалга оширилган пардозлаш ишлари билан танишар экан, маскан узоқ йиллар эътибордан четда қолгани, эндиликда эса Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилиб, янгидан ҳаёт бахш этилганини тўлқинланиб гапирди. Сарой бўйлаб экскурсия жараёнида ушбу маскан тарихига, эски ҳолати ва бугунги қиёфасига оид фотокўргазмалар билан танишилди.

Шундан сўнг тантанали байрам тадбири бошланди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон касаба уюшмалари ходимлари ва аъзоларига табригини Президент маслаҳатчиси Музаффар Комилов ўқиб эшиттирди.

Президентимиз табриғида 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига умумхалқ байрами мақомини бериш ва ушбу кунни давом олиш кўни деб белгилаш тақлифи илгари сурилди. Бунинг асосида тизим фаоллари, балки бутун халқимиз кўтаринки кайфият, катта хурсандчилик ва туганмас оқинлар билан қарши олди. Бу тарихий воқеа, бу муҳим тадбирга ийгилишларнинг қалбини фахру ифтихорга тўлдирди, “Инсон қадри учун” деган ғоянинг ҳаётимиздаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Бугунги кунда юртимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларда Янги Ўзбекистоннинг янги

касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Сўнгги йилларда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшган энг фаол, фидойи ва ташаббускор инсонлар меҳнати эътироф этиш аъёнага айланди. Байрам тадбирида ана шундай инсонларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Федерация томонидан амалга оширилган турли ижтимоий лойиҳалар ва кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланди.

Дастлаб “Энг намунали стационар болалар оромгоҳи” сифатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши тасарруфидagi “Ишонч”, Федерациянинг Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидagi “Бешбулок — Сурхон — Шеробод” ҳамда Муборақ газни қайта ишлаш заводи тасарруфидagi “Нихол” болалар соғломлаштириш оромгоҳларига мукофотлар топширилди.

Шундан сўнг “Болалар оромгоҳини намунали ташкил этган корхона” номинацияси бўйича “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти, “Болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этган ҳудуд” номинацияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши, “Ёз мавсумида фаол иштирок этган ишчи гуруҳ” номинациясида ғолибликни қўлга киритган Оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт

хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи мукофотланди. Барча совриндорларга диплом, статуетка ва ноутбук топширилди.

Ватанимиз тараққиёти ва унинг қудратини юксалтириш йўлидаги ишларда фаол иштирок этаётган, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг “Эҳтиром” нишони билан тақдирланди.

Ўтган йили “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати” мукофоти таъсис этилган эди. Ушбу мукофот кўп йиллик самарали меҳнати, эришган алоҳида ютуқлари билан соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт, шунингдек, касаба уюшмаларининг нуфузини юксалтиришга ҳисса қўшиб келатган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган. Тантанали тадбирда ушбу мукофот ҳам ўз эгаларига топширилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар, Даволаш-профилактика марказида фаолият кўрсатиб, даволаш усуллари ва хизмат кўрсатиш сервисини жаҳон стандартлари даражасида амалга ошириб келатган фидойи ходимлар турли номинациялар бўйича муносиб рағбатлантирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда “Аёллар дафтари” тизими жорий этилиб, эҳтиёжманд оилалар, хотин-қизлар, ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Бундай хайрли ишларда фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнат бўлаётган, аёлларнинг муаммо ва муножаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган масъул ходимларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан “Энг яхши маҳалла раиси”, “Энг яхши сектор раҳбари”, “Энг намунали иш берувчи аёл”, “Энг яхши ҳоким ёрдамчиси”, “Энг яхши ёшлар етакчиси”, “Энг яхши хотин-қизлар фаоли” танловлари ўтказилди.

Мазкур танловларда 3-ўринни қўлга киритган ғолибларга 3-даражали диплом ва Президент совғаси — “Spark” автомобили, 2-ўринга сазовор бўлган иштирокчиларга 2-даражали диплом ва Президент совғаси — “Cobalt” автомобили, 1-ўринни қўлга киритган ғолибларга эса 1-даражали диплом ва Президент совғаси — “Gentra” автомобиллари топширилди.

Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури тадбирга ташриф буюрганларга кўтаринки кайфият улашди.

Башорат ЮНУСОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

СЎЗ — МУКОФОТЛАНГАНЛАРГА

Абусаид МАВЛОНОВ, “Энг яхши маҳалла раиси” танлови 1-ўрин ғолиби:



— Бугунги кун ҳаётимиз саҳифасига зарҳал ҳарфлар билан

ёзилиши шубҳасиз. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан республикаимиз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида ўтказилган танловда “Энг яхши маҳалла раиси” танлови ғолиби бўлдим ҳамда Президент совғаси — “Gentra” автомашинаси билан тақдирландим. Бу юксак эътироф бизга қувонч билан бирга масъулият ҳам юклайди.

2019 йилда Навоий шаҳридаги “Янгириқ” МФЙ раиси сифатида ўз фаолиятимни бошлаганман. Энг катта ислохотлар маҳалла тизимида бўлапти, десам муболага бўлмайди. Зеро, бунинг ҳар биримиз ўз кўзимиз билан кўряпмиз, яшаймиз. Мана, “Темир дафтар” дейимизми, “Аёллар дафтари” ёки

“Ёшлар дафтари” дейимизми, жуда катта ишлар амалга ошириляпти. Айнан “Аёллар дафтари” бўйича Касаба уюшмалари билан ҳамкорликда Навоий шаҳридаги Янги-арик маҳалласида тизимли ишлар олиб бордик. Уйма-уй юриб, ҳар бир фуқаронинг муаммоларини ўргандик. Ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз аёлларга моддий-маънавий кўмак кўрсатилди, ишлашни хоҳлаган ишсиз аёлларнинг бандлиги таъминланди.

Яна бир қувонарли ҳолат. Президентимизнинг касаба уюшмалари ходимлари ва аъзоларига йўллаган табригини эшитиб, янада тўлқинландим. Бу руҳланиш билан катта масъулиятни зиммамизга оламиз ва юрт равнақи йўлида астойдил ишлашга ваъда берамиз.

Радҳо ХУДОЙБЕРГАНОВА, “Энг яхши ёшлар етакчиси” танлови 1-ўрин ғолиби:



фот мақсадларимизни келажакда амалга оширишимиз учун туганмас қувват беради, деб ишонаман.

Наргиза НУРИМБЕТОВА, “Энг яхши хотин-қизлар фаоли” танлови 1-ўрин ғолиби:

— Мамлакат тараққиёти йўлида олиб бораётган камтарона хизматларимиз юксак эътироф этилди. Танловдаги иштирокнинг ўзи бизга катта куч берган эди. Ғолиблар сифида жой олиш эса мамнуният бахш этди. Қувончим ичимга сигмапти. Бу ишонч ва эътироф учун Президентимизга миннатдорлик билдирмаман.

Сўнгги пайтларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида маҳаллаларда аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар билан мулоқот олиб боришнинг мутлақо янгигина тизими йўлга қўйилди. Шу асосда шаҳар ва қишлоқларда уйма-уй юриб, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, улардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш тажрибаси шаклланди. Ҳуқуқ оилалар ва хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларнинг доимий

даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” билан ишлаш тизими жорий этилди. Мазкур тизим шарофати билан минглаб оилалар аҳоли ижобий томонига ўзгарди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга кўмак берилди. Имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали юртдошларимиз, хусусан, хотин-қизлар ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқда, бандлиги таъминланмоқда.

Қайси жамиятда аёл бахтли бўлса, ўша мамлакатда тотувлик бўлади, тараққиётга юз тутилади. Бугун бунинг ақлол исботини қўриб турибмиз. Мен ўзимни тўлақонли бахтли аёллар сафида санайман.

Маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозимининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлмади. Қўсқа фурсатда қўлимиздан келганча ишлашга, хотин-қизлар муаммоларини бартараф

этишга, истеъдодли ва тадбиркор аёлларни, илмга ташна хотин-қизларни юзага чиқаришга ҳаракат қилаймиз. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси Бегурий тумани “Қизилқалба” овул фуқаролар йиғинида хотин-қизлар фаоли сифатида ишлаб келяман. Ҳали йўлнинг бошидамиз. Ишларимиз, режа ва мақсадларимиз бисёр. Шуларни амалга ошириш билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш — асосий мақсадимиз.

НУҚТАИ НАЗАР



Савара МАХМУДОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси махсус ўқув курси тингловчиси

АЁЛ ДАВЛАТ ИШИНИ ҲАМ УДДАЛАЙДИ БУНИНГ УЧУН ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ТАЪМИНЛАНИШИ ЕТАРЛИ

ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ ишлаб чиқилиб, қабул қилинмоқда. Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон аёллар ҳуқуқининг халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари, оналиқни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияларга қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори аёл-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Уларнинг фаоллигини ошириш, салоҳиятини намоеъ этиш учун янги имкониятлар яратди. Президентимизнинг жорий йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эса аёл-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлигини сақлаш, касба ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ислохотларни тизимли давом эттиришга қаратилгани билан аҳамиятлidir.

Фармонда таълим олиш учун хотин-қизларга янада қулай шарт-шароит яратиш, илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш ҳам белгиланган. Унга мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан олий таълим муассасалари, техникум ва коллежлар, жумладан, сиртки ва кечки таълим шаклида ўқитган аёл-қизларнинг таълим қарама-қаршилиги тўлаш учун 7 йил муддатга фойсиз таълим кредитлари ажратилаяпти.

Бундан ташқари, хорижий олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим дастурлари бўйича 50 нафар, магистратура таълим дастурлари бўйича 10 нафар хотин-қизга ҳар йили “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилади. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсиясига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ижтимоий эҳтиёжманд оилалардан, етим ёки ота-онасининг



қарамоғидан маҳрум бўлганлардан 150 нафардан жами 2 минг 100 нафар аёл-қизнинг таълим контракти маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қайтарिश шартисиз қопланади.

Давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 та мақсадли квота ажратилади. Аёл-қизларни дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича ўқитадиган алоҳида университет, ушбу университет ҳузурида эса пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич ҳудудий техникумлар ташкил этиш белгиланган.

Фармонда давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Айни пайтда парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, 32 фоизни ташкил этмоқда. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда аёл-қизларнинг бошқарув лавозимидagi улуши 27 фоиз, тадбиркорлик

соҳасида 25 фоиз, сиёсий партияларда 44 фоиз, олий таълимда 46 фоизга етди.

Фармонда Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастурини тасдиқлаш ва ижрога қаратиш вазифаси ҳам белгиланган. Унинг доирасида Давлат бошқаруви академиясида раҳбар аёл-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курслари ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизни ўқитиш назарда тутилган. Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида айни пайтда турли ҳудудлардан 50 нафар хотин-қиз ана шундай ўқув курсларида таҳсил оляпти.

Ушбу ўқув курси бизга ҳар жиҳатдан фойдали бўлапти. Ўқиб жараёнида раҳбарлик маданияти, одоби, янги методлар, бу борада жаҳон миқёсида тўпланган илгор тажрибалар хусусида кенг билим ва маълумотга эга бўлаяпти. Булар, албатта, келгуси фаолиятимизда пойдевор ва дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз.

Энг муҳими, мазкур фармонга мувофиқ, 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича

миллий дастур қабул қилинди. Унда аёл-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар доирасида муҳим масалалардан бири сифатида гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган.

2030 йилга бориб барча хотин-қизларга нисбатан камситилишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишининг ҳамма даражасида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштироки ва етакчилиги учун тенг имкониятни таъминлаш каби вазифалар ижроси режалаштирилган. Бундан ташқари, давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилиш ҳам ана шундай вазифалар сирасига қиради.

Ўзбекистон гендер тенглик кўрсаткичи рўйхатида 2019 йилдан бошлаб қатнаша бошлади. Ўша йили 2 сентябрда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

Гендер тенглик тамойили дунё мамлакатлари конституцияларига ҳам киритилмоқда. Ўрганишлар конституцияларнинг 98 фоизи тенглик ва камситилмаслик, 94 фоизи зўравонликдан ҳимоя қилиш, 86 фоизи хотин-қизларнинг таълим олиши, 85 фоизи ижтимоий хизматлардан фойдаланиш кафолати, 44 фоизи дискриминацияга қарши чоралар ва 12 фоизи хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича алоҳида қоидаларни ўз ичига олганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, барча жаҳонда аёл-қизларнинг конституциявий назорат ҳамда ислохотлар жараёнида тўлиқ ва тенг иштирок этишини таъминлаш, конституцияни янгилашга жаҳон давлатларининг гендер омиллари, айниқса, “камситувчи конституциявий қоидалар”га барҳам бериш борасидаги ижобий тажрибаси инобатга олинган.

Соҳа мутахассислари хотин-қизлар ҳуқуқлари-га оид конституциявий нормалар фақат тенглик ва камситилмасликнинг умумий тамойиллари билан чегараланиб қолмай, аёлларнинг ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам қамраб олиши, таълим, соғлиқни сақлаш, фуқаролик, сайланадиган ва тайинланадиган органларда иштирок этиш каби ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши лозимлигини таъкидламоқда. Зотан, гендер тенглик тамойили инсоннинг шахс сифатида шаклланишига ғов бўладиган барча ижтимоий тўсиқларни ўрганиш ва уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳаётнинг ҳамма соҳасида эркаклар ва аёллар шахсиятини англаш учун тенг ижтимоий имкониятларни яратишга хизмат қилади.

Оташин шоир, моҳир таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги тантанали нишонланадиган дамларга ҳам жуда оз фурсат қолди. Президентимизнинг Усмон Носирнинг порлок хотирасини эъозловчи қадри баланд қарор имзолаганига ҳам қарийб саккиз ой тўлди. Бу муддат ичида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган юзлаб тадбирлар ўтказилди, мақолалар ёзилди, кўрсатувлар тайёрланди. Қисқаси, Президент қарори ижроси йўлида эътирофга сазовор ишлар амалга оширилди. Мана шу жонбахш жараённинг бир иштирокчиси сифатида адабий воқеликни кузатар эканмиз, икки жиҳат эътиборимизни тортди. Биринчиси, биз кузатган ва қатнашган тадбирларда, асосан, Усмон Носир ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари тилга олинди, шеърлари ёд ўқилди. Мана шу жараёнда Усмон Носир ҳаёти ва ижодига тааллуқли муҳим саналарга оид чалкашликлар кўп экани янада кўзга ташланди. Шоир таваллуди тантаналари арафасида диққатимизни тортган мазкур жиҳатлар хусусида мулоҳаза билдиришни лозим топдик.

Жамиятимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш орузи билан яшамокда. Бу улғувор орузлар рўйбичи таъминлаш учун Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исоҳқон Иброт сингари маърифатпарвар ҳадидлар, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби истиклол орузси йўлида бошини доғга тиккан ижодкорлар ва албатта, уларнинг Усмон Носир деб аталмиш навқирон шогирди, уни ўзига идеал деб билувчи янги авлоднинг дадил қадамларига эҳтиёж мавжуд. Президент қарорига “оташин шоир” аниқловчи бирикмаси ишлатилди. Назаримизда, тарихий қарорни тарғиб қилиш асосида айнан шу бирикма мазмун-моҳиятини очиш — энг долзарб вазифа.


Хўш, Усмон Носир нима учун ўзи яшаб турган жамият бағрига симади? Замона зўрлари нима сабабдан ундан ҳалос бўлиш йўлларини излади ва бунга эришди? Мазкур икки саволнинг жавоби Президент қарори моҳиятини тўлақонли очиб беради. XX аср 30-йилларида халқ онгу тафаккурини қўрқув исканжага ола бошлаганди. Атрофда кезиб юрган қўрқувнинг қора шарпаси салгина эркин фикрлаган кишига чанг соларди. Шунинг учун жамият юз бераётган адолатсизликларни қўриб қўрмасликка оларди, ноҳақликлардан кўз юмарди. Ёлғон, физку ҳасад, ҳасад ва адоват ҳақиқат устидан қуларди. Бундай зулмат оро шам янглиғ шуъла таратиш, қора булутлар бағрини тилиб, чамқоқ янглиғ чакнаш унча-мунча зиёли иродаси доирасидаги иш эмасди. Адоқсиз жабр-зулмлар ситамидан ҳалос бўлмоққ илинжида бир қисим зиёлилар мўътадил мавзуларни

ёритиш йўлига ўтди. Бошқа бир тоифа ижодкорлар эса замона ногорасига ўйнаш йўлини танлади. Шундай бир тахликали муҳитда Усмон Носир ижтимоий-сиёсий ва адабий-маданий ҳаёт аро ёғур юлдуз бўлиб порлади, оловмисол ловиллаб, теваракни ёритди ва кўкка ўрлади. Уни қайсарлиқ ва ўқарлиқда айблаганди. У эса эътиқодидан қайтмади, адолатсизликларни баралла айтишдан тап тортмади, ноҳақликнинг юзига тик боқди. Замона нозиклигини писанда қилиб билдирилган насихатларга қулоқ тутмади, аниқроғи, қулоқ туттишни ва ўша насихатларни қабул қилишни истамади.

Давлатимиз раҳбари қарорининг бош мақсади бугун Янги Ўзбекистонни бунёд қилиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун Усмон Носир каби, унинг изидан борувчи, унинг эътиқодини ўзи учун байроқ деб билувчи янги ва ёш авлодни шакллантиришдан иборат. Бу борада Усмон Носирга хос адолатсизликларга нисбатан аёвсиз муносабатда бўлиш, жамият тараққиётига ғов бўлаётган коррупция иллатига муросасизлик каби згу фазилатларни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Инкор этмаймиз, шоир ҳаёти ва ижодига оид муҳим саналарни билиш — бирламчи вазифа. Лекин унутмайликки, шоир шеърларини ёдлаш, унинг ҳаёти ва ижодига оид муҳим саналарни билиш ёшлар тафаккурида тараққиёт рўй бераётганини билдирмади. Чинакам тараққиёт шоир шахси ва ижоди моҳиятини англашадир.

Усмон Носир ҳаёти ва ижоди халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилинар экан, қуйидаги уч ҳолат баҳс-мунозара ва тортишувларга сабаб бўлмоқда:



- Шоирнинг ўғай отаси Носирхोजи феъл-атвори-га алоқадор икки хил қараш.
 - Усмон Носирнинг сургунда ёзилган ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборилган асарлари тақдир.
 - Усмон Носир ҳаётининг сўнгги кунларига оид маълумотлардаги тафовутлар.
- Таассуфки, Ўзбекистон адабий-маданий муҳити ҳамон юқоридаги уч ҳолат бўйича бир тўхтамага келолмаётган. Хали-ҳануз ўзбек зиёлилари ўртасида бу уч ҳолат бўйича тортишувлар тўхтамаяпти. Ҳолбуки, биз XXI асрда яшашамиз. Бугунги магистр ёшидаги Усмон Носирни ўзи яшаб турган жамият маҳв этганга 85 йил тўлди. Илмий баҳс-мунозаралар доира-сидан алпакачон чиқиб кетган бу ноўрин тортишувларга қачон барҳам берилади? Қачон Носирхोजи ва Холамбйи сулоласидан ўтганларнинг руҳи ором топади? Муайян гина-қудуратларни елкадан ошириб, эзгулик йўлида қимдир бир қадам орта чекинадиган пайт келмадимикан?!
- Носирхोजининг золимлиги ва ёш Усмоннинг дарбадар етимлиги билан боғлиқ гап-сўзлар ҳозирги кунда ҳам қитобдан қитобга, мақоладан мақолага кўча-ётгани ажабланарли. Таниқли адабиётшунослардан бири бундай ёзади: “Ахйир Хожӣ етимчини уйдан қувиб солди. Етимча бир мунча фурсат бошпанасиз

қолиб, қимларнингдир уйда дайди ит каби яшади”. Эътиборсизлик шу даражага бориб етдики, ҳеч бир зарурат бўлмаса ҳам муаллиф таваллуди нишонланаётган ардоқли шоирга нисбатан “етимча”, “дайди ит” каби сўз ва бирикмаларни қўллаиди. Майли, Носирхोजи табиятан қайсар ва ўжар бўлган Усмонни тартибга солиш мақсадида қайсидир йўллар билан жазолагандир. Шу маълумотни маданий йўл билан, ўқувчига оғир ботмайдиган тарзда ифодалаш мумкин-ку! Бу ўринда “етимча”, “дайди ит” сўз ва бирикмаларини қўлашдан мудоао нима? Матнда шу сўз ва бирикмага эҳтиёж, зарурат борми ўзи?

Афсуски, илм аҳли Носирхोजи авлодлари эътирозларига қарамай, ҳамон Темур Фаттоҳ ва у қатори бир-икки ижодкор хотираларига таяниб иш қўрмоқда. Ваҳоланки, Усмон Носир ва Темур Фаттоҳ ўртасидаги ғийбатлар илм аҳлига маълум. Шундай экан, Носирхोजига нисбатан салбий муносабатни билдириш чоғи Темур Фаттоҳ хотираларига асосланиш мантиқа-сиздир. Аҳвол шу даражадаки, Темур Фаттоҳ Усмон Носирни оқлаш жараёнида ёзган тушунтириш хатида у билан Москвадаги кино техникумида бирга ўқиганини эсламайди ҳам. Ҳақиқат эса шундан иборатки, Носирхोजи Усмон Носир ва Темур Фаттоҳни Москвадаги таълим пайти моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, уларни оч-юпун қолдирмаган. Усмон Носир Москвадаги кино техникумидан ҳам Самарқанддаги педагогикада қўйилган айблар сабаб қайдалан ва бунда Темур Фаттоҳнинг “ҳисса”си бор.

Таниқли олимларимиздан бири Усмон Носир болалигига дахлдор қора кунлар исботи сифатида унинг шеърларини тилга олади. Жумладан, асардан қуйидагилар парчани ўқиймиз:

*Отам ўлди, мен сарсон бўлдим,
“Шум етим”, деб сўқдилар мени.
Ажаб кунга мубтало бўлдим,
Кучаларга қудейлар мени...
Уша кунлар дилимда ҳаёт.
(Оғир дамни унутиб бўлмас!)*

Тур! — дедилар. — Тур, етимча зот!”

*Иложим йўқ, тураман бирпас.
Сўнера ўзим-ўзим олдимдан
Қарамасдан қулиб ўтамен.
У эски “мен” фақат ёдимда,
Энди менда яшар бошқа “мен”.*

Бу парча шоирнинг “Қора сатрлар” шеърдан олинган.

XX аср 30-йилларида матбуотда эълон қилинган асарлардан илмий факт сифатида фойдаланишда

ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарурлиги илм аҳлига яхши аён. Уша талатўп замонда ўзини қўтқариш учун не-не ижодкорлар очки қора, яхшини ёмон, деди. Усмон Носир ҳам ўзига гард юқтирмаслик учун социалистик турмуш тарзи ҳақида шеърлар ёзди, ўзининг бой-бадавлат хонадонда унб-ўсганини яширишга уринди, жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ўз ўтмишини “Қора сатрлар” шеърда аксинча ифодалади. “Дарёга чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади” қабилда ёзилган бундай шеърларга асосланиб, Усмон Носир-дек истеъдод қамолоти учун қайғурган Носирхोजини золимликда айблаш ноўриндир. Бундай маълумотларни ўқиганимда, Усмон Носирнинг “Чиросимга парвона-дек урилар йиллар, тўрт атрофим тўлиб кетар қуйган қанотта”, деган мисралари юрагимни тирнайди.

Кези келганда, ўзбек зиёлилари орасида Усмон Носир Кемеровода эмас, балки Магаданда вафот этгани ва умрининг охириги йилларида ақлдан озгани билан боғлиқ миш-мишларга ишониш ҳамон мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Келинг, расмий ҳужжатлар асосида исботланган воқеликдан Усмон Носир ёнида юрган айрим кишиларнинг эсдаликларини устун қўймайлик. Уша кишилар хотиралари узуқ-юлуқлики, бири иккинчисини инкор этиши ва уларга қатыъи ишониб бўлмаслиги йиллар давомида ўз исботини топди. Давр шундай эди ва Усмон Носирнинг атрофида юрганлар ҳам сургун чоғи давр руҳига мослашди, вазият танқосига кўра ёлғонлар тўқиди, бу ёлғонларга бошқаларни ишонтирди. Уша замон воқеаларини ифодалаган хотираларни чоп этишда ҳушёр бўлиш ва расман тасдиқланган ҳужжатларга қарши боравермаслик мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда, нафақат Усмон Носир, балки бошқа ижодкорлар ҳаётига тааллуқли маълумотларни чалкаштириш кейинги йилларда тез-тез кўзга ташланмокда. Масалан, Усмон Носирнинг вафоти санаси 8-снф “Адабиёт” дарслигига 23 март, Нодира Рашидова маълумотларида 9 март, Наим Каримовнинг “Усмон Носир” маърифий-биографик романида 4 март деб кўрсатилган. Адабий жамоатчилик алпакачон 9 март санасини қабул қилган. Шундай бўлса-да, эътиборсизлик ёки бошқа сабаблар боис, негадир шоир вафоти санаси билан боғлиқ тафовутлар ҳозиргача сақланмокда.

Хулоса ўрнида айтмаймиз, мазкур мақола яна баҳс-мунозара кўзғаш учун ёзилмади. Мақсадимиз шоир таваллуди тантаналари арафасида барчани маълумотларга нисбатан адолатли ва холис бўлишга, ўтганлар руҳини безовта қилмасликка қорлашдир.

ҚАДИМИЙ МАНЗИЛЛАР

МИНГТЕПАДА ЯШИРИНГАН СИР-СИНОАТ

Ортиқали ҲУСАНОВ,
“Мингтепа — маданий мерос” жамоат фонди раиси

Синьхуа ахборот агентлиги ҳам 2017 йил 11 январь куни Мингтепа ёдгорлиги билан боғлиқ бир хабар тарқатди: “Ўзбекистон ва Хитой археологларидан иборат гуруҳ Фарғона водийсининг жануби-шарқида жойлашган Мингтепа қадимий шаҳар қолдиқларини қазиб вақтида аҳамиятли кашфиёт қилди. Бу ноёб топилмалар Ўзбекистон тарихини бойитди ва Довон давлати тарихига оидлиқ киритади. Манбага кўра, 2000 йилдан зиёд вақт аввал Мингтепа Фарғона водийсидаги энг йирик тўлақонли қаср — шаҳар бўлган”.

Ўзбекистон ва Хитой фанлар академияларининг ҳамкорлиқда олиб борган изланишлари тарих саҳифаларини қизиқарли ва ишончли маълумотлар асосида бойитишга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.



Она заминимиздаги ҳар бир қарич ер азиз ва мўътабар. Андижон вилоятида жойлашган кўҳна Мингтепа археологик ёдгорлиги ана шундай тарихий гўшлардан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги “Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги “Мингтепа” археология мероси объектини муҳофаза қилиш, тадқиқ этиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги қарори тилсимотларга бой эски шаҳар ҳақида янги-дан-янги изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш имкониятини берди.

Бу маҳобатли шаҳар ўзининг ҳунармандчилиги, деҳқончилиги ва самовий тулпорлари билан қадимдан дунёга машҳур бўлган. Тарихий обида 1939 йилдан бошлаб археолог олимларнинг эътиборини ўзига тортиб келаётган,

тарихда Довондан қолган ёдгорликлар — тепаликларга эга бўлган давлатнинг бош шаҳри сифатида машҳур.

Ички қалъанинг ўзида археолог олим А.Бернштам томонидан 1946 йилда сарой ва ибодатхоналар каби йирик биноларнинг вайронаси аниқланган. Ўтган аср ўрталарида ҳудуднинг аксарият қисми пахтазорга айлантириб юборилган.

Мустақиллик йилларида халқимиз ўтмиши, урф-одат ва қадим анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи улкан маданий меросни асраш, ўрганишга бўлган эътибор туфайли кўпчиликка номаълум бўлган кўҳна шаҳар ҳақида қизиқарли ва ишончли маълумотлар тўплаш имконияти яратилди. Изланишлар олиб борган археологлар беда экилиб, боғзорга айлантирилган 300 гектардан ортиқ

майдон остида кўҳна шаҳар қолдиқларини топди. Унда бўйи 1,7-2 метр келадиган хумлар жойланган захира омбори, устакхона харобалари, ички шаҳар гарбий дарвозаларининг қолган қисми ва ташқи шаҳар шарқий девори ёнидаги қабристон аниқланган.

Мингтепа шаҳар харобасининг салоҳияти ва бугунгача сақланиб қолган ҳолатига эътибор қаратсак, олимлар олиб борган қазимиша ишлари натижаси бўйича ички қалъадаги тепаликлар 64 та бўлиб, ҳозирги кунда 52 таси сақланиб қолган. Уша пайтда улар жуда мураккаб ва ҳар қандай душман ҳужумига дош берадиган қилиб қурилган. Тасаввур қилинг, фақат Мингтепа шаҳар ички мудофаа деворларининг умумий узунлиги 2,6 километр, эни 7-10 метр, баландлиги эса камиди 6-8 метрга тенг бўлган. Деворлар остида хандақлар қазилгани душман ҳужумини янада қийинлаштирган. Ташқи — иккинчи девор бундан ҳам маҳобатли бўлган. Қалъа ичида шаҳар ари қисобланган тепалик сақланиб қолган. Мингтепа мудофаа деворининг ҳар 38-40 метр масофасида кузатув миносари ўрнатилиб, узунлиги 18 метр, эни 9 метр, баландлиги 5-6 метрга етади. Тошйўлак, турпи ўлчамдаги хумлар, тош, сопол, суюқ қолдиқлари, бир томонида жангчи ва от, иккинчи томонида от ёки қийикка ўхшаш ҳайвон сурати туширилган сопол парчалари қадимги кишилар ҳаёт тарзини тадқиқ қилишда муҳим манба вазифасини ўтамоқда. Шаҳарнинг жанубий ва гарбий дарвозаларининг ва уларга туташ кўчаларнинг ўрни аниқланди. Мудофаа тизими ўрганилиб, миносралар қурилиши босқичлари ҳақида илмий асосларга эга бўлинди. Мудофаа деворлари пишиқ ғишт ва пахсалардан тикланган бўлиб, минг йиллар ўтса ҳам, ўзининг сифати ва маҳобатини сақлаб қолгани билан кишини ҳайратга солади. Шаҳарнинг меъморий тузилиши, бу ерда қадим шаҳарсозлик, ҳунармандчилик юксак даражада ривожланганидан дарак беради. Сополлар қўлда, ёпма усулда ва қулоччилик қарҳида тайёрланган. Қулоччилик буюмларига нафис нақшлар



билан ишлов берилган, баъзиларига ўйиб тул солинган.

— Бундай композицияли расмлар водий қулоччилигида биринчи марта топилди, — дейди тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтини профессори Б.Матбобоев.

Дунёда сайёҳларни ўзига қорловчи қадимий жойларга, масканларга эга мамлакатлар кўп. Аммо Мингтепа археологик ёдгорлиги ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Мутахассислар эътироф этишича, Мингтепа жаҳон туризмнинг энг гавжум нуқтасига айланиши мумкин. Бу ҳудуд Фарғона водийси антик даврининг йирик археологик ёдгорлиги сифатида хорижий сайёҳлар учун ўта жозибали ҳисобланади. Айниқса, қазимишаларда топилган моддий маданият қолдиқлари намуналари сайёҳларга қадим халқлар маданий ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар беради.

Сайёҳларни қорловчи яна бир ҳолат — Мингтепа трансконтинентал йўллар қорраҳасида жойлашган. Ўз йиллар давомида Буюк ипак йўли бўйидаги ҳунармандчилик савдо маркази сифатида муҳим роль ўйнаган. Фарғона водийсидан топилган айрим Хитой таंगा пуллари, ипак матолари ва жез қўзғулур бу борадаги тасаввурларни бойитади.

Марҳамат туманида ички ва ташқи туризм салоҳиятини ривожлантириш учун хизмат қила оладиган 100 га яқин маскан мавжуд. Улар сирасига 12 та зиёратгоҳ, 30 дан ортиқ қизғошбақ бўлоқлар, ўнлаб тарихий ва замонавий масканлар туристик йўналишларни ривожлантириш имконини берамоқда. “Дарахт устидаги оромгоҳ”, “Маънавият боғи”, 800 га яқин ноёб қўлэма сақланаётган Маънавият маркази, “Етти оғ-ични авлётди” зиёратгоҳи бу ерга келганларни ҳайратга солиши табиий. “Турон” ўқув марказида мўъжаз очик ва ёпиқ “Мингтепа” музейи фанлият қўрсатмоқда. Музейда ички қалъанинг илмий ҳулосаларига асосланган кичик макетлари яратилди ва бу жой аҳоли учун тарих зарвараклари ҳақида ҳикоя қилувчи масканга айланган. Туристик ишоотлар, ёдгорликлар ҳақида махус ҳужжатли фильм, кўрсатув, мақолалар, буклет ва тарқатма материаллар яратилди. Мингтепани жаҳон миқёсида тарғиб этиш ва унинг базасида туризмни ривожлантириш мақсадида “Мингтепа — маданий мерос” жамоат фонди ташкил қилинди.

Олиб борилаётган илмий изланишлар, археологик топилмаларга асосланиб айтганда, Мингтепа шаҳар харобаси юртимизнинг қадим ўтмиши, кўҳна тарихидан сўзловчи қадимий ёдгорлик сифатида дунё ҳамжамияти эътиборини тортмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1164.
81039 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02:10 Топширилди — 02:15